БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 172 (4271)
30 ИЮЛЬ, 1980 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИ

1980 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ КВАРТАЛИДА ШАҲАР САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА КОРХОНАЛАРИ, РАЙОНЛАРАРО СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети 1980 йилнинг иккинчи кварталида корхоналар ва районлар ўртасидаги мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи районлар ўртасидаги мусобақа якунига кўра ғолиблик қилган ва маҳсулот реализация қилиш бўйича квартал планини 104,2 процент бажарилишини таъминлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,9 процент ўстирган ҳамда иккинчи квартал социалистик мажбуриятларини ошириб бажарган Чилонзор райони (Ўзбекистон КП район комитети секретари Т. С. Содиқов, район Совети ижроия комитети раиси А. М. Карасева, район комсомол комитети секретари И. Г. Яковлев)га берилди.

Шунингдек, асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича квартал планининг бажарилишини таъминлаган ҳамда иккинчи квартал учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини ошириб бажарган Киров ва Октябрь районлари саноат корхоналарининг иши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиблик қилган «Миконд» заводи коллективи (директори Х. Н. Тожиев, партия комитети секретари А. И. Фозилбеков, касаба союз ташкилоти раиси Н. П. Чесноков, комсомол комитети секретари Ю. В. Назруллаев)га берилди. Бу коллектив маҳсулот реализация қилиш бўйича шу йилнинг иккинчи квартал планини 101,6 процент бажариб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 15,3 процентга ўсишини таъминлади ва квартал социалистик мажбуриятини ошириб бажарди.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи енгил, озиқ-овқат маҳаллий саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси (директори Г. В. Аделев, партия ташкилоти секретари Ш. А. Акбаров, касаба союз ташкилоти раиси В. Я. Тельнова, комсомол комитети секретари В. Аванесова)га берилди.

Шаҳар транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, юк ташиш бўйича квартал планини 101,6 процент адо этган, фойда олишни 5,9 процентга ўсишини таъминлаган Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш тресги коллективи (трест бошқарувчиси М. М. Алиев, партия ташкилоти секретари Н. Ф. Шелков, касаба союз ташкилоти раиси Э. А. Ландсберг, комсомол ташкилоти секретари М. В. Абдуллаев)га Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Шаҳар районлари қурувчилари ўртасида иккинчи квартал иш якунлари бўйича капитал қурилишда энг яхши кўрсаткичларга эришган Фрунзе райони қурилиш-монтаж ташкилотларининг коллективлари иши таъкидлаб ўтилди. Улар турар-жойни фойдаланишга топшириш планини 187 процент, асосий фондларни ишга тушириш планини 102 процент адо этдилар.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 107,9 процент адо этган, ўз кучлари билан 101,2 процент иш бажарган, меҳнат унумдорлигини ўстириш, таннархни қисқартириш бўйича топшириқларнинг бажарилишини таъминлаган «Главташкентстрой»нинг 6-қурилиш тресги коллективи (бошқарувчиси М. А. Деревшуков, партия ташкилоти секретари Р. Г. Баглаева, касаба союз ташкилоти раиси Т. М. Магдиев, комсомол комитети секретари Р. Қурбонов)га берилди.

Шаҳар Ҳурмат тахтасига 54 та саноат, қурилиш ва транспорт корхоналарининг номи ёзилди.

ДОҲИЙ ҲАЙКАЛИ

Шу кунларда Тошкент ҳайкалтарошлик тажриба комбинатида қатор янги ҳайкаллар яратиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Кўпгина янги буюртмаларни бажаришга киришилмоқда. Комбинат архитекторлари ва ҳайкалтарошлари ижодий ҳамкорликда меҳнат қилишиб, ҳайкаллар ва бюстларнинг ҳамда монументларнинг ҳар томонлама муваффақиятли чиқишини таъминламоқдалар.

Республикамизнинг кўпгина шаҳар ва районлари билан бир қаторда комбинат ижодий коллективи пойтахтимиз учун ҳам буюртмаларни ўз вақтида бажаришга эришмоқда. Ана шундай буюртмалардан бири доҳий В. И. Ленин ҳайкалидир.

БУГУН

ана шу ҳайкални қуйиш ишлари ниҳоясига етказилди. У доҳий номидаги Тошкент Давлат университети учун мўлжалланган бўлиб, дорилфунуннинг 60 йиллиги муносабати билан яратилди.

Архитектор С. Сутягин ва ҳайкалтарош В. Клевенцов раҳбарлигида яратилган доҳий ҳайкали университет олд майдонида — янги ўқув йили арафасида ўрнатилади.

МАКТАБ ҚАД РОСТЛАДИ

Шу кунларда пойтахтимизнинг Оқлонбулоқ кўчасида янги 1568 ўринли ўрта мактаб қурилиши қизгин давом этмоқда. Уни қуришда «Главташкентстрой» 159-трестига қарашли тўққизинчи қурилиш бошқармасининг комплекслашган бригадалари жонбозлик кўрсатишяпти. Кенг ва ёруғ синфхоналар, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланадиган лабораториялар билан бирга, ўқув-тажриба кабинетлари, шунингдек қизил изтопарлар хонаси ва мактаб музейи қурилиши ниҳоясига етказилди.

Қишки ва ёзги спорт майдончалари қурилиши ҳам жадаллаштирилмоқда. Мактаб умумий биноси аллақачон қад ростлаган бўлсада, бу ерда ҳали бажариладиган ишлар кўп.

БУГУН

ана шу мактаб синфхоналарида пардозлаш ишлари бошлаб юборилди. Пардозлаш трестининг бригадалари ҳар бир синфхонага тез ва сифатли сайқал беришга эришмоқдалар. Мактаб 25 августгача фойдаланишга тахт қилиб қўйилиши кўзда тутилган. Қурувчилар эса зўр ғайрат ва кўтаринкилик билан меҳнат қилишмоқда.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Мавжуда Алимовани «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-тўқув ишлаб чиқаришидаги ҳамкасблари ниҳоятда ҳурмат қилишади. Бу тўқувчи ишлаб чиқариш топшириқларини 20—25 процентга ошириб адо этиб, ҳамкасбларига чинакам меҳнат намунасини кўрсатиб келяпти. Илғор ишчи коммунистларнинг бўлажак анжуманини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга интилмоқда.
И. Шоиноғомов фотоси.

● ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

ҚУРУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Марказ-27» квартали кундан-кун чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Бу ерда қурилаётган янги-янги кўп қаватли турар-жой бинолари, маъмурий идоралар районнинг умумий кўринишига мос тушмоқда.

БУГУН

ана шу микрорайонда яна бир ётоқхона фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Ётоқхона 400 ўринли бўлиб, унда «Главташкентстр о й» ишчи ва хизматчилари яшайдилар. Янги ётоқхонани 12-қурилиш трестига қарашли 51-қурилиш бошқармасининг бригадалари қуришди. Айни пайтда сайқаллаштириш ишлари тугатилиб, ётоқхона атрофи ободонлаштирилмоқда. Қурувчилар куни арафасида янги ётоқхонага шаҳримизнинг гул қурувчилари кўчиб ўтишади.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективида юксак меҳнат кўтаринкилигини юзага келтирди.

Трикотажчилар ярим йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этишиб, пландан ташқари 302 минг сўмлик маҳсулот бердилар. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 620 минг сўмликка кўпайди. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига эришилди. Савдо тармоқларига 5 миллион сўмликдан зиёд турли хил устки ва ички трикотаж буюмлари етказиб берилди. Бизнинг тикувчилик цехимиз ҳам мажбуриятини муваффақиятли адо этди.

Кўрсаткичларимиз ёмон эмас. Ҳозирда цехларда КПСС Марказий Комитетининг чақириғига биноан партия XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун илгари қабул қилинган мажбуриятлар қайта кўриб чиқиляпти, асосий диққат-эътибор маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга қаратилмоқда.

Бизнинг тикув цехимиз потогида эркакларнинг кўйлаклари тайёрланяпти. Уларнинг кўпчилиги фахрли беш қиррали белги билан безатилган. Ҳар бир тикувчи ишни сифатли бажаришга, вақтининг ҳар бир минутидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпти. Жумладан, Р. Ниёзова, М. Аҳмедова, Ш. Шоюсупова каби ҳамкасбларим мана шундай меҳнат қилишяпти.

Ҳозир менинг шахсий меҳнат календаримда 1982 йилнинг июль ойи давом этяпти. Мен йилнинг охирида меҳнат унумдорлигини бир процентга кўтаришга, ўн биринчи беш йилликни эса зарбдорона бошлашга аҳд қилдим. Ўз зиммамга олган янги мажбуриятим шундай: 1981 йил биринчи квартал планини 23 февралга — КПСС XXVI съездининг очилишига қадар бажараман.

М. АЛИМОВА,
«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси чевари.

МОНГОЛИЯДА КЎРСАТИЛАДИ

БУГУН

Ўзбекистон Рассомлар союзида республика мўйқалам усталарининг асарларидан иборат тасвирий санъат кўргазмаси тайёрланди.

Бу кўргазма Совет Ўзбекистонининг тарихи, турмуши ва маданияти ҳақида ҳикоя қилади. У Монголия Халқ Республикасида намойиш этиш учун мўлжалланган.

Бу кўргазма СССР — Монголия дўстлик ва маданий алоқа жамиятининг ташаббусига биноан Улан Батор шаҳрида намойиш этилади ва Тошкентда кўрсатилган Монголия Халқ Республикаси рассомларининг санъати кўргазмасига жавобдир.

● ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ХУШ КЕЛИБСИЗ

БУГУН

Душанба ва Олмаота шаҳарлари бўйлаб ўтказилган муваффақиятли гастролдан кейин Польша, Венгрия, Чехословакия, Румыния, ГДР, Болгария, Монголия ва мамлакатимиз циркларининг етакчи усталаридан иборат санъаткорлар группаси Тошкентга келди.

«Интерцирк-80» деб аталган бу группанинг гастроллари Москвада ўтаётган Олимпиада ўйинларига бағишланган. Томошабинлар меҳмонларимиз ижросида ёқимли музыкали номерларни, ўргатилган ҳайвонларни, мураккаб акробатик машқларни, ҳаво гимнастларининг чиқишларини ва кўпгина қизиқарли номерларни кўрадилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

▲ СОФИЯ. Болгария Халқ Республикаси министрлар кенгаши ҳузуридаги социал ахборот бирлашган системаси комитетининг 1980 йил дастлабки олти ойи мобайнида БХРни социал-иқтисодий ривожлантириш планининг бажарилиши якунлари тўғрисидаги ахборотида Болгария халқ хўжалиги муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилади.

Халқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Йилнинг биринчи ярмида 2,4 миллиард левлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

▲ БОНН. ГДРда майда ва ўрта деҳқон хўжаликларининг хонавайрон бўлиш жараёни доимий ҳодиса бўлиб қолди. 1949 йилдан тортиб, 1979 йилгача 1,2 миллион деҳқон хонавайрон бўлди. ГФР озиқ-овқат, қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари министри И. Эртлининг ГФР ҳукумати ҳузуридаги матбуот ва ахборот идораси бюллетенида эълон қилинган мақоласида шу маълумотлар келтирилган.

Йирик ер эгалари ўртасида рақобатнинг кучайиб бораётганлиги, солиқ машаққатларининг ошганлиги, шунингдек «умумий бозор»нинг монополиялар манфаатларини кўзлаб, ўтказиб келаётган аграр сиёсати, деб ёзади «Унзере цайт» газетаси, деҳқонларнинг хонавайрон қилинишига асосий сабаб бўлди.

▲ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон бош министри Индира Ганди Ҳиндистонда чиқадиган «Сурья индиа» журналида босилган суҳбатида Покистонда ҳарбий тайёргарлик кучайиб бораётганлигидан ташвишланаётганлигини айтди. «Бу мамлакатга кўп қурол-яроғ етказиб берилаётганлиги, — деб таъкидлади у, — Покистонда ҳарбийларнинг позицияларини, шунингдек Ҳиндистон билан дўст бўлишни истамаётган ва ундан қасос олишга интилаётган кишиларнинг позицияларини мустаҳкамлайди».

СУРЪАТНИ ОШИРИБ

Шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикаси коллективи жонажон партиямизнинг XXVI съездини муносиб кутиб олишга қизгин тараддуд кўрмоқда.

БУГУН

фабриканинг дўппи цехида КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш, ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун ҳамда куни кеча матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлди.

Унда цех ишчилари партиямизнинг бу чақириғи коллектив кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшганлигини маълум қилдилар, кўплаб ишчилар ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Жумладан, С. Мирзаева, Р. Отабоева, Ш. Қорабоева, А. Пўлатов, Б. Бакилов каби пешқадам ишчилар КПСС XXVI съездини муносиб шахсий меҳнат армуғонлари билан кутиб олишга бел боғладилар.

Айни кунларда цехда мусобақа авж олмоқда. Дўпписозлар иш суръатини оширмоқдалар. Бир кунда 5 мингта дўппи ишлаб чиқариляпти. Ана шу дўппиларнинг кўпчилигига фахрли беш қиррали белги туширилган.

Ғ. ҲАКИМОВ.

ЯНА БИР БИНО

БУГУН

Оҳангарон шоссесидаги янги массивда «Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг Николай Ванин бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси янги беш қаватли, олтмиш хонадонга мўлжалланган уй-жой биносини фойдаланишга тахт қилиб қўйди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янги истиқомат маскани бригаданинг бу ерда қурган уй-жой биноларининг учинчисидир. Монтаж ва пардозлаш ишларини мазкур комбинатнинг 21-бошқармасига қарашли бригадалар бажаришди.

М. ФЕЛЬДМАН.

● ШАҲРИМИЗ МУЗЕЙЛАРИДА

ЁДГОРЛИК МОСКВАДАН КЕЛТИРИЛДИ

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали янги ноёб санъат асари билан бойиди. Диаметри 60 миллиметрдан иборат бўлган бронзали дискнинг олди томонида Владимир Ильич Лениннинг рельефли портрети туширилган. Унинг атрофида ўзбек тилида «В. И. Ленин марказий музейи. Тошкент филиали» деган сўзларни ўқиймиз. Стол устига қўйиладиган бу ёдгорлик медалининг орқа томонида эса мўътабар даргоҳнинг тасвири ва унинг қурилган вақти ўйиб ишланган.

Бу ёдгорлик медалининг муаллифи тошкентлик рассом Константин Назаровдир. Бу медаль Москвадаги танга пул саройида зарб этилган.

Пойтахтимизнинг Юнусобод турар-жой массиви йил сайин янги микрорайонлар билан гўзаллашиб бормоқда. «СВ-4» микрорайони ана шундай янги гўзал микрорайонлардан бири сифатида қад кўтаряпти. Ҳозир бу ерда дастлабки тўрт қаватли муҳташам турар-жой биноларига ҳамшаҳарларимиз кўчиб ўтишяпти.

СУРАТДА: уй-жой қурилиш тресги бунёдкорлари томонидан қурилган янги турар-жойлар.
Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида дам олаётган ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак билан 28 июль куни Қримда учрашди.

Улар ҳар икки қардош партиянинг диққат марказида турган актуал вазифалар тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар.

Суҳбат самимий ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

⊙ Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1980 йил январь-июль ойлари планини муддатидан илгари — 29 июлда бажардилар.

● КИНО ОЛАМИДА

«КАТТА МАЗМУНЛИ ҲАЁТ»

«Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинадиган янги бадиий картиналардан бири ана шундай деб аталади. У Ўзбекистон ССРнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг ҳаёти ва раҳбарлик фаолиятига бағишланган.

... Содиқ ленинчи ўзининг тиним билмас ҳаётини халққа хизмат қилишга бахш этди. Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин билан бўлган учрашув Охунбобоевнинг жўшқин фаолиятига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Атоқли давлат арбоби давлатимизнинг олий лавозимини эгаллаб турганида халқ хўжалик масалаларини оқилона ҳал қилиш билан бирга ўлкамизда маданий революциянинг ривожланишига катта эътибор берди. Айниқса Улуғ Ватан уруши йилларида фронтга ёрдам кўрсатиш мақсадида катта ташкилотчилик ишларини олиб борди.

СССР халқ артисти Йўлдош Аъзамов бошчилик қилаётган ижодий группа ана шу фильмни суратга олишга киришди. Фильм ўзининг тўла маъно ва мазмуни билан ўзбек халқининг атоқли фарзанди ва давлат арбоби Йўлдош отанинг ҳаёти ва фаолиятини тўлақонли акс эттиради. Янги фильм Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига экранларга чиқарилади.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ТОШКЕНТ ҲАҚИДА МУКАММАЛ АСАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бир қатор илмий-тадқиқот институтлари олимлари катта илмий асарни яратишга киришдилар. Бу серқуёш республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрининг мукаммал тарихига бағишланган уч томлик китобдир. Шу муносабат билан академияга қарашли тарих илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон шаҳарлари бўлими мудири, тарих фанлари доктори, профессор Ғуломқодир Рашидов мухбиримиз билан суҳбатда ана шу муҳим тадқиқотда ёритиладиган масалалар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Бир қатор институтларнинг олимлари билан илмий ҳамкорликда «Тошкент тарихи» деган уч томлик асарни яратишга киришдик. Бу китоб устида ўн биринчи беш йилликда қизғин иш олиб борилади. Келгуси беш йилликнинг дастлабки йилларида материаллар тўпланади ва айни пайтда ёзишга киришилади. 1984—1985 йилларда у республикамиз академиясининг «Фан» нашриётида чоп этилади. Бу китобнинг ҳажми ғоятда салмоқли — 60 босма саҳифадан иборат бўлганлиги учун ҳам у кўп вақт ва катта кучни тақозо этади.

Тошкент тарихининг биринчи жилдида шаҳарнинг қадимги давридан бошлаб Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган давр қамраб олинади. Бунда Тошкент шаҳрининг шаклланиши, аста-секин ривожланиб камол топиши кўрсатилади. Бу жилдда Ўрта Асрлар, ундан кейинги давр, Россияга қўшилиши, иқтисоди, маданияти, социал тараққиётига алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга Тошкентнинг революцион курашлар майдонига айланиб бориши атрофлича ёритилади.

Китобнинг кейинги иккинчи жилди Улуғ Октябрь социалистик революцияси давридан бошлаб то 50-йилларнинг охиригача бўлган даврни қамраб олади. Бунда шаҳарда Октябрь инқилобининг ғалаба қозониши. Советлар ҳокимиятининг мустаҳкамланиши даврида меҳнаткашларнинг тутган катта ўрни. Граждандар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси вақтида тошкентликларнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларда совет ҳокимиятини сақлаб қолишдаги жасорати ёритилади. Тошкент пролетариати ана шу жасорати учун 1924 йилда Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди. Бундан ташқари бу жилдда Тошкентнинг социализм ғалабаси учун бўлган курашдаги ҳиссаси ва ўрни баён этилади. Шаҳарнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги тарихига ҳам алоҳида эътибор берилади. Ана шу муносабат билан шаҳар саноатининг қайта қурилиши, фронтга керакли бўлган қурол-яроғлар, кийим-кечаклар етказиб берилиши, шаҳар аҳолисининг ватанпарварлик руҳи, фронт орқасидаги катта меҳнат фаолияти, шу билан бирга жанг майдонларида марду-майдонлик кўрсатган жангчиларнинг жасорати баён этилади. Урушдан кейин 50-йилларнинг охиригача шаҳарнинг ҳаётида юз берган иқтисодий, маданий ўзгаришлар ҳам эътибордан четда қолмайди.

Учинчи жилд Тошкентнинг тараққий этган социализм даврига оид ҳужжатли, илмий фикрлардан иборат бўлади. Бу жилдда 60—70-йилларда шаҳар саноатининг ривожланиши, янги саноат корхоналарининг бунёд этилиши, саноат тармоқларининг вужудга келиши, ишчилар синфининг ўсиши ва унинг меҳнат фаолияти баён этилади. Шу билан бирга шаҳарнинг қишлоқ билан ўрнатган бузилмас иттифоқига алоҳида ўрин берилади. Шаҳарнинг социал, маданий гуллаши, халқ маорифининг кенг кўламда ривожланиши, Тошкентнинг Совет Шарқида йирик фан ва олий мактаб марказига айланганлиги кенг ёритилади.

Шу масалаларни ёритишда, баён этишда саноат ва маданиятнинг интернационализм йўлидан собит қадамлар билан бориб юксалганлиги акс эттирилади. Тошкент шаҳри ўтган беш йилликларда мамлакатимиз халқлари билан дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлади. Айниқса, 1966 йилги табиий офат — зилзила оқибатларини тугатишда мамлакатимиз халқларининг ёрдами бебаҳо бўлди. Шу даврда шаҳарнинг қайта қурилиши кенг кўламда олиб борилади. Тошкент шаҳри жаҳондаги бир қатор шаҳарлар билан биродарлашди, чет эл алоқаларини янада юксалтирди, халқаро фестиваллар, илмий анжуманлар, туризм марказига айланиб қолди. Бу масалалар ҳам охирги жилддан ўрин олади.

Учала китоб оқ-қора ва рангли схемалар, карталар, расмлар билан безакланади.

Бу мукаммал асарни яратишга йигирмадан ортиқ муаллиф жалб этилган. Улар орасида академиклар, мухбир аъзолар, фан докторлари, ижтимоий фанлар турли соҳаларининг вакиллари бор.

А. ПЎЛАТОВ.

ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Тежамкорлик, маълумки — хўжаликни оқилона юрита билиш белгисидир. Бугунги кунда материаллар, иссиқлик, электр энергиясини тежаш юзасидан мажбурият қабул қилмаган биронта ҳам коллектив топилмаса керак. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980 йил) Пленумида сўз юритилиб, унда хом ашёлардан тежаб-тергаб фойдаланиш резервлари битмас-туганмас эканлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Иқтисодий тежамкорлик учун курашда фаол қатнашиш — мамлакатимиз ҳар бир меҳнаткашининг бурчи ҳамда халқ назоратчиларининг бирдан-бир вазифаларидир.

Тошкент оқшоми

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

◆ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

◆ ЗАПАС ЗАРАР КЕЛТИРМОҚДА

◆ ЎЗГАЛАР ҲИСОБИГА САХИЙЛИК

◆ НАЗОРАТЧИЛАР КЕЛТИРАЁТГАН САМАРА

◆ УЙ-РЎЗҒОР ТАШВИШЛАРИ

МЕТАЛЛНИ ТЕЖАБ-ТЕРГАБ САРФЛАЙЛИК

Одатда: пул муомаласи ҳисоб-китобни ёқтиради, деган сўзни тез-тез эшитиб турилади. Лекин металл ҳам ҳисоб-китобни ёқтиради. Металлни ҳам пул каби ҳисоб-китоб қилиб борадиган корхона учун бу фойдадан холи эмас.

Металл маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун кураш олиб борилмасдан ишлаб чиқариш самарадорлиги ва юксак иш унумига эришиш мақсадга номувофиқдир. Корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларда иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтириш халқ назоратчилари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши табиийдир. Назоратчилар шу йилнинг биринчи ярмида 23 та текширув ўтказишди. Бу текширувлар металл маҳсулотлари ишлатадиган 76 корхонада олиб борилди. Текширувларнинг бир нечтаси қабул қилинган қарорларнинг қандай бажарилаётганлигини контроль қилиш мақсадида қайта ўтказилди. Назоратчилар рейдларида халқ хўжалиги мутахассислари, халқ контроли группа ва постларининг аъзолари, штатсиз инспекторлар, халқ депутатлари Советлари, комсомол «прожекторчи»ларидан иборат икки юздан ортиқ киши қатнашди.

14 текширув материаллари комитет мажлисида кўриб чиқилди. Текширувлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон ССР саноат қурилиши материаллари министрлигининг тажриба-механика заводи коллективи назоратчилар кўмагида металларни сарфлаш ва улардан фойдаланишда яхши натижаларга эришган. Бу заводга келган металл қуймалари территориясидаги темир йўл тармоғида тушириб олинади. Юк ортиш-тушириш ишлари механизациялашганлиги, бу ишларни темир йўлда белгиланган муддатда бажариш имконини бермоқда. Заводда омборларга туширилган металл прокатларни ҳисобга олиш яхши йўлга қўйилган. Металларнинг қабул қилиниши ва тарқатилиши аниқ ҳисоб-китобда бўлиб, улар вақти-вақти билан бухгалтериядаги маълумотларга солиштириб кўрилади. Омборхоналардан металлар маълум ҳужжатларга асосан, белгиланган нормада тарқатилади.

Бирон марта ҳам металл қуймаларни плансиз маҳсулот тайёрлаш ёки бошқа мақсадлар учун чиқарилмаган. Металлга ишлов берилгандаги қириндилар яхши сақланади, тўпланишига қараб темир-терсаклар билан бирга қўшиб қайта ишлашга жўнатилади.

Афсуски, металлга нисбатан ҳамма жойда ҳам шундай муносабатда бўлинмаяпти. «Главташкентстр о й» «Отделстрой» трестининг 11, 24, 28-қурилиш бошқармаларида металлга нисбатан хўжасизлик ва талон-тарож авжига чиққан. Шаҳар халқ контроли комитетининг бу ерда олиб борган текшируви пайтида металларни ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишда жиддий камчиликлар топилди. Номлари кўрсатилган бошқармаларнинг бухгалтерлари ва ишлаб чиқариш-техника бўлимларида металлар доналаб, килограммлаб, тонналаб, квадрат метрлаб, ҳар хил ҳисобга олиб борилганки, на уларнинг ҳисоб-китобига етоласиз ва на қурилиш ишлаб чиқариш технологиясининг боши билан охирини топа оласиз?!

Жумладан, 24 ва 28-қурилиш бошқармаларида 275 сўм ва 945 сўмлик металлар асоссиз ҳисобдан чиқариб ташланган. Текширув материалларига асосан, қабул қилинган шаҳар халқ контроли комитетининг қарорида ана шу қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига металларни асоссиз ҳисобдан чиқариб ташланишига йўл қўйилмаслик кўрсатилди. Давлатга келтирилган зарарнинг бир қисми бошқарма бошлиқларидан ундириб олинадиган бўлди. Комитет халқ контроли бош группасига «Отделстрой» трестининг бошқа бўлинмаларида ҳам шу каби текширувлар ўтказиш, уларнинг натижаларини коллектив ўртасида муҳокама қилишни топширди.

Хўжасизларча иш олиб бораётганлардан яна бирининг номини айтиш мумкин. Бу — 153-трестнинг қурилиш майдонлари бўлиб, бу жойларда қурилиш материаллари, темир-бетон буюмлар ва тайёр металл конструкцияларининг сақланиши талабга мувофиқ эмас. Шу сабабли металларнинг бир қисми занглаб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолмоқда. Назоратчиларнинг сўнгги текширувларидан шу нарса маълум бўлдики, бундай совуққонлик натижасида давлатга 2 минг сўмлик зарар келтирилган.

Металлар рўйхатга олинишининг қандай эканлиги юзасидан текширув ўтказилган 51 корхонадан 24 тасида қоида бузишлик топилди. Жумладан, 85,9 тонна қора металл прокати, 203,7 тонна пўлат қувурлар, икки тоннадан зиёд рангли металл ва улардан тайёрланган буюмлар ҳисобга олинмаган. Масалан, Ўзбекистон ССР ихтисослаштирилган монтаж қурилиш министрлигининг енгил металл конструкциялари заводи цехларида қолдиқ бўлиб қолган материаллар — 13,5 тонна қора металл прокати, 17 тонна пўлат қувурлар рўйхатга олиш бланкасига мутлақо киритилмаган. «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам худди ана шундай фактга дуч келинди. Бирлашмада рўйхатга олиш пайтида 365 килограмм латун қуймаси рўйхатга киритилмаган. «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида — 5,5 тонна пўлат қувур, «Ташсельмаш» заводида — 26,6 тонна қора металл прокати, 164 тонна пўлат қувур, 11 тоннадан кўпроқ турли металл буюмлар ҳисобга олинмаган. Материалларни рўйхатга олишда камчиликка йўл қўйганлиги учун лавозимли шахслар жавобгарликка тортилдилар. Илгари ҳисобга олинмаган моддий ресурслар ишлаб чиқаришга киритилди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумида жамиятимиз қанчалик бойиб борган сари, у шунча тежамкор бўлиши кераклиги таъкидланди. Халқ назоратчилари партиянинг ана шу кўрсатмасини ўз фаолиятлари учун дастуриламал, деб қабул қилдилар. Ҳозир шаҳардаги барча корхона ва ташкилотларда моддий ресурслардан қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисида оммавий рейд ва текширувлар ўтказишнинг кенгайтирилган плани ишлаб чиқилди ва у амалга оширилмоқда. Партиянинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олишга тайёргарлик юзасидан янги-янги ташаббуслар келиб чиқмоқда. Кўплаб халқ назоратчилари иқтисодий тежамкорлик учун мусобақага қўшилдилар, ишлаб чиқариш ички имкониятларини топишнинг кўрик-конкурсларида қатнашмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси уларнинг ижобий самарасини бериши учун ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Ю. МИХАЙЛОВ,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

⊙ КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

АКТИВИСТЛАР, СИЗЛАР УЧУН

«Халқ контроли — амалда». Минск, «Беларусь», 1980. 232 бет.

Куракин А. И. «Методик ишлар — «халқ назоратчилари кутубхонаси» муваффақиятлар капити». М., «Советская Россия», 1979, 40 бет.

Бу китобларни шаҳар магазинларидан харид қилишингиз мумкин.

● *Халқ назоратчилари ҳақида ҳикоялар*

ҚАЛБИ ЁШ ВЕТЕРАН

— Ёшингиз нечага борди, Петр Яковлевич?

— Чамалаб кўрингчи?

— Олтмиш, олтмиш бешлар...

— Йўқ, қадрдоним, етмиш учга ўтдим. Умр ўтяпти, у бир жойда тўхтаб турмас экан...

Эртадан то кечгача тинимсиз ҳаракат. Телефон жиринги, рейдлар, кўчма мажлис, ҳисобот... Фрунзе район халқ контроли комитети қурилиш ва қурилиш индустрияси штатсиз бўлими раҳбари Пётр Яковлевич Великийга осон эмас. У ёши ошса ҳам пенсияга чиқмаганлиги учун шундай деяётганимиз йўқ. Шунчаки унинг ишлари кўп, уларнинг ҳар бири халқ назоратчисидан диққат-эътибор, аниқ ҳал қилишни талаб этади. У ҳамма нарсани билишга, синчиклаб текширишга ва бошланган ишни ниҳоясига етказишга одатланган. Масалани тўғри, қонуний йўл билан ҳал этиш керак!

Пётр Яковлевич раҳбарлик қилаётган бўлимдаги кишиларнинг характерлари ўзига хос. Пенсионер Иван Дмитриевич Приходко, «Узэлектромонтаж» тресги смета-шартнома бўлими бошлиғи Семён Иванович Булахов, пенсионер Фёдор Иванович Изюмников ва бошқалар ҳам шундай принципиал, ҳурматли кишилардир. Ҳаммалари бирга тўпланишганда, бўлимда жиддий, қатъий сўз юритилади. Абразив комбинатидаги ишга тушириладиган комплексга материаллар нега ўз вақтида етказиб берилмайди? Бу кимнинг айби? Нега материаллар ҳисобга олинмайди? Ўнлаб саволлардан сўнг бўлим планида: жойида аниқлансин, деган ёзув пайдо бўлади. Аниқлашди. Айбдорлар жазоланди. Объектни давлат комиссияси «яхши» баҳода қабул қилиб олди.

Штатсиз активистларнинг амалга оширган хайрли ва фойдали ишларини санаб чиқиш қийин. Ҳисоблаб ҳам чиқишди. Бир йилда план асосида йигирма марта мажлис ўтказилган, уларнинг биронтаси ҳам П. Я. Великий олти йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган штатсиз бўлим томонидан тайёрланган масалани эшитмасдан ўтгани йўқ. Ана шу давр мобайнида 70 дан ортиқ актуал масалалар тайёрланиб, кўриб чиқилди, ҳавола қилинди. Булар орасида моддий ресурслар сарфлаш нормасини қисқартириш, иш вақти зое кетишининг олдини олиш, капитал маблағлардан тежаб-тергаб, ускуналардан унумли фойдаланиш каби кўплаб масалалар бор. Масалалар қайталанадиган, уларни осон ва қийин ҳал этиладиган пайтлар ҳам бўлади. Лекин Пётр Яковлевич кишилар учун кераклн бўлган халқ назоратчиси ҳаётининг ниҳоятда бандлигидан шикоят қилмайди.

В. ЛИЧЕВ,
шаҳар халқ контроли комитетининг инспектори.

Танқид тиғи остида

МАРШРУТДАГИ «СЎЛ ҚИНҒИР»ЛАР

Бизнинг давримизда тезлик ўсиб боряпти. Ҳамма шошган, ҳамма югуради, ҳамма ишга, кинога, театрга тез бориши, тез қайтиши керак....

Бунинг устига пассажир транспортининг иши кўп. Пассажирларни фақат жойига элтиб қўйишнинг ўзи кифоя эмас, балки тезроқ элтиб қўйиш керак. Акс ҳолда улар асабийлашиб адибади айтишлари, шикоят ёзишлари мумкин. Бир сўз билан айтганда, осон иш эмас.

Ҳайрон қоладиган жойи шундаки, пассажир автотранспорти ходимлари агар «сўл қинғир»лик бўлмаганда, бу ишларни қандай қилиб эплашар эди. Айтайлик, сиз эрта билан «Юнусобод» бекатида турибсиз. Бекатдан тезроқ жилгингиз келади, қуёш нури ҳамма ёқни қиздирмоқда, маршрутдаги автобуслар бўлса, қаерлардадир ғойиб бўлгандек зим-зиё. Қаердандир, худди ғойибдан ҳозир бўлгандек гўзал «ЛАЗ» (гараж номери 22—36 ТНС) автобуси истиқболингизга келиб тўхтайди. Енига чиройли қилиб «Интурист» деб ёзиб қўйилган, салонга чиқиб истаган жойингизга ўтиришингиз мумкин.

— Биттадан чиқинглар! — дея тўпланиб турган кишиларни салонга таклиф этади эшикни кенг очиб қўйган шофёр Шестаков.

— Уҳ-ҳў, юмшоқ автобусда кетадиган бўлдик, — дея кўзини қисиб қўйди чиқаётган пассажирларга олд томонда ўтирган киши ва: «Қани, узатиб юборингларчи!»

«ТЕЗКОРЛИК» УЧУН ҲАҚ

Рибенцева деган гражданканинг телевизори ишламай қолди. У Куйбишев районидаги устахонага бориб уста чақирмоқчи бўлди. Унга 437835 номерли В 3 серияли квитанция ёзиб бериб, шундай дейишди:

— Уч кундан сўнг уста боради.

— Вахлироқ иложи йўқми?

— Ҳеч иложи йўқ. Биз шундай ҳам сизга яхшилик қилмоқчи бўлдик.

Орадан уч кун ўтгач, гражданка Рибенцева устани пойлаб уйда қолди. Кун бўйи кутди, лекин устадан дарак бўлмади. Кечқурун у нима бўлганини билишни истаб, устахонага борди. Уйга уста чақиришни расмийлаштиради г а н дарча ёнида ўтирган қиз бундай деди:

— Нега ҳаяжонланасиз? Уста бугун бормаса, эртага боради-да!

Ҳақиқатан ҳам эртасига уста келди. Телевизорнинг у ён бу ёнини қараб, ремонт учун олти сўм олди. Орадан беш соат ўтгач, телевизор яна ишламай қўйди.

Гражданка Рибенцева ҳайрон бўлиб, ўз-ўзига: — телевизорнинг беш соат ишлаши наҳотки менга шунча қимматга тушса,— деди. Квитанцияни олиб, ёзувига қаради: 1 сўм 35 тийин — чақирганлигим учун, 1 сўм 65 тийин — ремонт учун, 2 сўм — янги радиолампа учун. 1 сўм 20 тийини нимага экан? Уйлаб-ўйлаб топа олмади. Ҳамсоясига мурожаат қилди.

— Наҳотки шуни ҳам тушунмасанг? — деди ҳамсояси унга. — Ойнадан равшан қилиб ёзиб қўйибдику: 1 сўм 20 тийин — тезкорлик учун, деб.

БЎЛМАГАН ИШНИ БЎЛДИ ДЕБ...

Кап-катта одам қизалоқнинг суратга яхши тушсин учун: «Қара, мана ҳозир шу ердан қушча учади!» деб ёлғон сўзлагани бошқа гап. Бу педагогик нуқтаи назарга тўғри келадими, ёки йўқми, болани қай усулда «алдаш» ота-онанинг виждонига ҳавола. Лекин ишнинг масъулиятли участкаси ишониб топширилган кишилар шундай енгил табиатлик билан меҳнаткашларнинг шикоятларига ёлғон-яшиқ жавоб беришлари ҳеч қайси қоидага тўғри келмаса керак...

Сергели районида Сергели — 3 массиви бор. Массивда 35-номерли уй қурилган. Унинг эгалари яқиндагина уй тўйи ўтказишди. Ҳали улар янги квартирага кўчиб кириб қувонишга улгурмасларидан олдин ташвишга тушишди. Баъзи квартираларга линолеумлар шунчаки ёпиштирилган, бошқа камчиликлар ҳам бор. Янги кўчиб кирганлар бунинг сабабини билишни истащлари табиий.

Улар комиссияга шикоят қилиб келишди. Комиссия келиб кетди, аҳолига жавоб келди. Унда: «камчиликлар тузатилган, квартираларнинг поли ремонт қилинган», дейилган.

Гражданларнинг шикоят ва аризалари қандай ҳал этилаётганлиги устидан назорат олиб борувчи масъул кишилар бўлмаган ишни, бўлди деб ёзишса, кишида қандай тассурот қолиши мумкин, деб ажабланишмоқда 35-уйда истиқомат қилувчилар.

«Учқун» трикотажчилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ назоратчилари шу йилнинг ўзидагина 20 га яқин текширув ва рейдлар ўтказишди, бунинг натижасида хом ашё ва материалларни тежашга, маҳсулот сифатини оширишга қаратилган ўнлаб амалий таклифлар киритишди.

Бракнинг олдини олиш, вақтни ва материалларни тежаш масалалари халқ назоратчиларининг кундалик ишлари бўлиб қолди.

СУРАТДА: халқ назоратчиси Н. Павлова тўқувчи П. Арцебасова тайёрлаган маҳсулотни кўздан кечирмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

Жойлардан хабарлар

ҲАММАСИ «ЭКРАН»-ДАГИДЕК

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи йил бошидан буён тежалган матолардан қарийб беш мингга яқин эркаклар костюмини тикиш мумкин.

Бунда корхона халқ назоратчиларининг муносиб ҳиссалари бор. Уларнинг ташаббуслари билан ишлаб чиқариш технологияси ўзгартирилди, материалларни сарфлаш «экрани», илғор иш методлари жорий этилди, назоратчилар ускуналардан самарали фойдаланиш тўғрисида ҳам ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси чеварларга олти ярим ой мобайнида 20 минг квадрат-метрга яқин турли хил матоларни тежаш имконини берди.

Йил охиригача планга қўшимча равишда 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилинди.

ЯХШИ САМАРА БЕРЯПТИ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўрнатилган ҳар бир килограмм рангли металл, пўлат, сим, фторопласт, йиғирилган ип каби материаллар қийматини кўрсатувчи улкан панно ҳар бир кишининг эътиборини ўзига жалб этади. Ишлаб чиқаришда ана шу материаллар қўлланилади.

Халқ назоратчилари тежамкорлик ишлари билан шуғулланмоқдалар. Материаллар ва электр энергияси қандай сарфланаётганлиги юзасидан олиб борилган ҳар бир текширувдан сўнг топилган камчиликлар акс этган фотойна, «Молния» варақалари заводнинг барча цехлари, дарбозаси ва бошқа кўзга кўринадиган жойларига осиб қўйилади. Уларда материал ва хом ашёни тежабтергаб сарфлаётган кишиларнинг номлари кўрсатилади. Бу яхши самара бермоқда. Тошкентлик кабелсозлар ой сайин неча ўн минг сўмлаб маблағ тежаб қолмоқдалар.

НАЗОРАТЧИЛАР ТАШАББУСИ

Бир миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси тежаш — пойтахтнинг Чилонзор районидаги корхоналар коллективларининг шиорлари ана шундай.

Энергия ресурсларини тежаш учун юришга район партия ташкилоти қошидаги штаб раҳбарлик қилмоқда. Махсус тузилган комиссияга «Таштеплосеть», район ёритиш, газ, уй-жойлардан фойдаланиш трестининг мутахассислари киритилдилар. Уларнинг кўмакларида хўжасизлик фактлари топилмоқда, айбдорлар жазоланмоқда.

Халқ назоратчиларининг фаол иш олиб борганликлари, энергия ресурсларини тежаш имкониятларининг узлуксиз равишда топиб, ишга солинаётганлиги район меҳнаткашларига йил бошидан буён олти юз минг киловатт-соатга яқин электр энергиясини тежаш имконини берди.

ИБРАТЛИ ҚОИДА

Етти бор ўлчаб, бир бор кес — Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси 1-цехининг бичувчилари ана шу халқ мақолига амал қиладилар.

Постларнинг назоратчилари ҳа хом ашё ва материаллардан тежабтергаб сарфлашга кўмаклашмоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларида қатъий назорат ўрнатганлар.

Цехда 40 га яқин халқ назоратчилари бор, уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш илғорларидир. Бошқа цехларни текширишда назоратчиларнинг ўзлари меҳнат намунасини кўрсатишмоқда. Масалан, Н. Авилова, Н. Толипов, А. Соколова, Г. Амелехина ва бошқалар 1980 йил меҳнат календаридан ўзиб кетишган.

Цех бичувчилари йил бошидан буён 180 минг сўмликдан зиёд ёки 2 минг дециметрга яқин танаворларни тежаб, қарийб 30 минг жуфт пойафзал бошлиғини бичдилар.

ГРАМЛАРДАН ТОННАЛАР

Тошкент трактор заводида йил бошидан буён тежалган металлдан юздан ортиқ трактор ясаш мумкин.

Тежамкорлик юришига корхона халқ назоратчилари етакчилик қилишяпти. Назоратчилар комсомол «прожектор»чилари билан биргаликда рейдлар, текширувлар ўтказишяпти, корхонада металл прокати ва қуймаларидан қандай фойдаланилаётганлигини аниқлашмоқда. Ҳар бир цехда ишлаб чиқариш мутахассислари ва новаторлардан ташкил топган назорат постлари ишлаб турибди. Буларнинг ташаббуслари билан металлни тежаш имконини берадиган бир қатор таклифлар киритилди. Масалан, инженер В. Новожиловнинг ҳар бир тишли шестерня оғирлигини 300 граммга камайтириш тўғрисидаги таклифини жорий этишнинг ўзидагина ярим йил мобайнида 4 тоннадан ортиқ металл тежашга муваффақ бўлинди.

ЭНГ МУҲИМИ — КЎРГАЗМАЛИ

«Промстройкомплект» бирлашмасининг Сергелидаги асфальт-битум заводида жорий этилган хом ашё ва ёнилғи-энергетика ҳисоби дафтарига ҳар куни корхонада тежалган электр энергияси, табиий газ, битум қайд этиб бориладн.

Томчилардан дарё ҳосил бўлганидек, йил охирига келиб бу ерда минглаб киловатт-соат электр энергияси, юз минг кубометрлаб табиий газ тежалган бўлади. Бунда корхона халқ назоратчиларининг муносиб улушлари бор. Улар ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилиниши, қувурларнинг ўз вақтида иссиқлик изоляцияси билан ўралиши, ускуналар ремонти масаласи билан қатъий шуғулланадилар.

Бу йил корхона коллективи 19 минг сўмлик хом ашё ва материаллар тежашга қарор қилган.

ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Шаҳар халқ контроли комитети ўзининг навбатдаги йиғилишида Октябрь район халқ контроли комитетида меҳнаткашлардан тушган хат ва шикоятларнинг кўриб чиқилиши масаласини қараб чиқди. Комитет ишнинг ижобий томонларини қайд этиш билан бирга, гражданларнинг танқидий сигналларини кўриб чиқишда ва уларни қабул қилишни ташкил этишда етарли даражада аниқ, батартиб ва тез иш ва назорат олиб борилмаётганлиги таъкидлади. Уларнинг хатларига кечикиб жавоб бериш, қабулни қониқарсиз ташкил этиш фактлари мавжуддир.

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар комитет раиси А. Ваҳобовнинг гражданлардан тушган шикоят ва таклифлар бюроси иши устидан етарли даражада назорат олиб бормаганлиги, ушбу масала бўйича халқ назоратчилари группалари активлигини оширишга етарли даражада эътибор берилмаганлиги сабабли вужудга келган.

Комитет А. Ваҳобов зиммасига меҳнаткашлардан тушган шикоятлар, аризалар ва таклифларни кўриб чиқиш тартибига оғишмай риоя қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаш вазифасини юклади.

ФОТОАЙБНОМА

«Бошландию, ташланди, унутилди»... Киров районининг Муссоргский кўчасида қурувчилар томонидан аллақачон навланган хандақлар ва ётқизилган қувурларни кўрган кишида шундай таассурот қолади. Ана шу хўжасизлик учун ким жавоб беради?

◆ РАССОМ ШАРҲИ

УСТОМОНЛАР

Тошкент нефть тарқатиш базаси автомобилларга бензин қуйиш станцияларида ёнилғидан тежашнинг ўзига хос режими жорий этилган. Бу режим шундан иборатки, бензин колонкаларининг ходимлари ҳар бир автомашинага 4—5 литрдан кам бензин қуйишмоқда ва шунинг ҳисобига бойишмоқда.

ИШГА СОВУҚҚОНЛИК



Ёз бошланди дегунча самолёт ишқибозлари кўпайиб қолишади. Гоҳида шундай ҳам бўлади. «Тошкент — Фарғона» 79-самолёт рейсининг тўлалигини текширилган пайтда 27 та бўш жой топилди, ваҳоланки шу рейсга учувчилар бундан ҳам кўп эди. Тошкент аэропорти ишлаб чиқариш-диспетчерлик хизмати томонидан берилаётган нотўғри ахборотлар сабабли самолётларнинг бундай қатнови тез-тез учраб туради.

В. Дачкин расмлари.

ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ШАРАФЛИ, МАСЪУЛИЯТЛИ ПОСТ

Трикотаж буюмлар ортилган автомашина корхона дарвозаси ёнида тўхтади. Кутилмаганда халқ назоратчилари шофер ёнига келишди:

— Накладнойни кўрсатинг,— деб талаб қилишди улар.

∴ ∴ ∴

Жойланган трикотаж буюмларни тезда ҳисоблаб чиқишди ва улар сонини ҳужжатдаги ёзув билан солиштиришди-да, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг назоратчилари шофёрга юкни белгиланган жойга элтишга рухсат беришди.

— Бундай текширувларни, — деб ҳикоя қилади устки трикотаж фабрикаси халқ контроли бош группасининг раиси З. Конихова,— мунтазам равишда ўтказиб турамиз. Бу текширувлар ходимларимизнинг интизомини мустаҳкамлайди ва суиистеъмол қилишнинг олдини олади.

Фабрика халқ назоратчилари фаолиятида маҳсулот сифатини, иш вақтидан фойдаланишни, янги техника ва рационализаторлик таклифларининг жорий этилишини, социалистик мулкнинг сақланишини текшириш катта ўрин эгаллайди.

Халқ контроли бош группаси 23 кишидан иборат. Бош группада бешта сектор: ишлаб чиқариш фаолияти, маҳсулот сифати, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, маданият ва маишат, ташкилий-оммавий ишлар, иқтисодий тежамкорлик секторлари бор. Булардан ташқари, фабрикада учта цех группаси ва саккизта пост бор. Бу группа ва постлар цехлар, бригадалар коллективлари ўртасида турли камчиликларнинг олдини олишга имкон берадиган катта ишларни олиб бормоқдалар.

Халқ назоратчилари ой сайин рейдга чиқиб туришади. Бош группа олиб бораётган кундаликда, рейд натижалари ва қабул қилинган тадбирлар қайд этилади. Масалан, интерлок машиналари ўрнатилган цехда тўқилган полотнолар сифати текшириб кўрилганда бракка йўл қўйилганлиги аниқланди. Назоратчилар бунинг сабабини аниқлаб, бракка принципиал баҳо бериш ва унинг айбдорига нисбатан қаттиқ жазо чораси қўллаш керак, деган хулосага келишди. Улар ташаббуси билан тайёрланган буйруққа биноан, бракка чиққан полотнога ишлатилган, йигирилган ипнинг баҳоси айбдорнинг маошидан ушлаб қолинди. Цех ишчилари йиғилишида брак маълум қилинди ва маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Бошқа бир мисол. Рейдлардан бирида, назоратчилар иккинчи сорт буюмларга биринчи сорт маркаси босилиб, магазинларга юборилаётганлиги н и аниқладилар. Текшириб кўрилган 350 буюмнинг 6 таси ана шундай бўлиб чиқди. Техника контроли бўлими ходимлари, улар раҳбари инженер М. Саблина билан ўтказилган суҳбатда назоратчилар техника контроли бўлими ходимларини ўзларига ишониб топширилган ишга бирмунча эътибор билан қарашга даъват этдилар. Орадан бир ой ўтгач, халқ назоратчилари маҳсулот саралаш ишларини яна кўздан кечиришди.

Рейдлар ва текширувларда орттирилган тажрибалар халқ назоратчиларига сифат масаласи комплекс характерга эга эканлигини билиш имконини берди. Маҳсулотнинг нечоғлиқ сифатли тайёрланиши полотно сифатига, яхши бичилиши, тикувчи малакасига, ускуналар, меҳнат шароитининг қандай ташкил этилганлигига боғлиқдир. Назоратчилар фабрика планини муваффақиятли бажаришида ёрдам беришяпти.

Н. МИКИТРИНА.

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Ҳурматли редакция! Кун қаттиқ исиганда одамнинг иштаҳаси бўғилади, кўп сув ичади, уйқу босади. Бундай пайтда қандай овқатланиш керак? Кўп сув ичиш зиён қилмайдими, кун режимини қандай ташкил қилган яхши? Шулар ҳақида маслаҳат берсангиз.

Ш. Турсунов, М. Комилов, Х. Одилов, ишчилар.

• Газетхон илтимоси

ИССИҚ КУНДА ИШТАҲА ҚАНДАЙ?

Овқатнинг ва озиқа моддаларининг инсон ҳаёти, саломатлиги учун кераклиги ва фойдали томонлари кўп. Одам танаси доимий равишда энергия — иссиқлик сарфлаб туради. Биз жисмоний ва ақлий меҳнат билан шуғулланамиз, юрамиз, ҳаракат қиламиз, сўзлашамиз. Бу пайтда барча ички аъзолар узлуксиз ишлаб туради. Бунинг учун қувват—энергия керак, энергияни эса озиқ-овқатдан оламиз: аъзои-баданда овқат моддалари парчаланади, бунда маълум миқдор иссиқлик ажралиб чиқади. Демак, овқат киши ҳаётида энергия—қувват манбаи бўлиб ҳисобланади.

Хўш, овқатланиш гигиенасига, унинг маданиятига қандай амал қилиш керак? Бунинг учун, дастлаб, овқатни тозалик ва гигиена қоида-тартибларига риоя қилинган ҳолда тайёрлаш лозим. Овқат пиширишдан олдин қўлларни совунлаб ювиш, озода кийимлар кийиш, фартук тутиш маданий овқат тайёрлашнинг асосий омилидир. Овқат тайёрлаш учун белгиланган масаллиқлар сифатли бўлиши лозим, сал бузилган маҳсулотларни овқатга ишлатиш мумкин эмас. Ошхона асбобларини ишлатгандан сўнг овқат қолдиқларидан яхшилаб тозалаш, ювиш ва ўз жойига қўйиш намунали одатдир.

Овқатни шошилмасдан ейишга одатланиш лозим. Овқатланиш вақтида фикрни бошқа нарсага чалғитмаслик, чунончи китоб-газета ўқимаслик, гапирмаслик тавсия этилади, ётиб овқатланиш эса маданиятга зиддир.

Овқат хилма-хил бўлиши керак, ҳар куни бир хил овқатланиш, у қанчалик мазали бўлмасин, кўнгилга тегади, бундай овқатдан фойда кам.

Кун бўйи меҳнат жараёнида ёки дам олиш вақтида тартиб, режа билан овқатланиш тўғри ва фойдали овқатланишнинг асосий омилидир. Дастлаб овқат ейишда таомларни муайян тартибда галма-гал ўзгартириб истеъмол этиш лозим, агар бўлса олдин закуска, кейин биринчи иссиқ овқат— суюқ овқат, сўнг иккинчи овқат ейилади, ширинликни, мева-шарбатларни овқатдан сўнг истеъмол этиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда маҳаллий аҳоли ўртасида айрим вақтларда овқатланишдан олдин чой ичиб, ширинлик ейилади, бу гигиеник тартибга зиддир. Чунки кўп чой ичиш меъда ширасини суюлтириб юборади, ширин таом эса шира ажралишини қийинлаштиради, пировардида овқат яхши парчаланмайди ва тўла-тўкис сингмайди.

Кези келганда шуни таъкидлаб ўтамизки, кун бўйи овқат емасдан, кун кеч бўлганда ёки кечаси кўп миқдорда тўйиб овқат ейиш ниҳоятда зарарлидир, чунки бунда меъда-ичакда овқатнинг парчаланиши, унинг аъзойи-баданга сингиш жараёнлари бузилиб кетади, бу эса овқат ҳазм қилиш аъзолари (меъда, ичак, жигар ва бошқаларнинг) фаолиятининг бузилишига олиб келади.

Жазирама иссиқ кунлари — ҳаво ҳарорати 35—40 ва ундан юқори бўлганда овқатланиш тартиби бошқачароқ, яъни иссиқ иқлимга мослашган ҳолда уюштирилиши лозим. Иссиқ иқлим шароити организм фаолиятини анча ўзгартиради. Олиб борилган илмий текширишлар шуни кўрсатадики, саратон вақтида иссиқ таъсирида меъда ва ичак фаолияти анча сусаяди, ошқозон ва ичакда овқатнинг парчаланиши учун зарур бўлган шира миқдори камаяди, бу эса иштаҳанинг пасайишига олиб келади.

Шунга кўра, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида кўпроқ суюқ ва енгил ҳазм бўладиган (қайнатиб пиширилган, димлаб тайёрланган) таомларни етарли миқдорда ейиш лозим. Бу овқатларга укроп, кашнич, кўк пиёз, райҳон ва бошқа кўкатлар қўшиш янада фойдали, чунки одатда ёз вақтларида ичакда карбонсув моддаси ошади, бу эса ичак бўшлиғида газ йиғилишига сабаб бўлади, кўкатлар эса газнинг сўрилишини тезлаштиради.

Ҳаво ҳарорати кўтарилганда мой қанча кам ейилса, ошқозон ва ичакка шунчалик зўр келмайди, чунки ёғ моддаларини ичакда эритиш ва парчалаш учун кўп миқдорда жигарнинг ўт моддаси талаб қилинади, ваҳоланки иссиқ кунларда жигар томонидан ўт моддаси ишлаб чиқарилиши сустлашади.

Иссиқ кунларда нонни камроқ еган маъқул, чунки нон таркибида қийин парчаланувчи глютен моддаси бор, бу моддани эритиш учун кўп ва кучли ошқозон ва ичак шираси керак бўлади.

Иссиқ кунларда иштаҳа пасаяди, демак, шунга кўра кундалик овқатнинг тахминан 50—60 проценти куннинг салқин вақтида (соат 8—11 ва 18—21ларда) ейилиши мақсадга мувофиқдир. Аммо кунни билан овқат емасдан ва сув-чой ичмасдан, кечқурун кун ботганда бирданига тўйиб овқат истеъмол этиш, айниқса иссиқ кунларда шундай тартибсиз овқатланиш, саломатликка қаттиқ путур етказади. Бу борада ҳар ким онгли равишда шифокор маслаҳатларига амал қилиши керак.

Ёз фаслида кўпроқ мева ва сабзавот истеъмол этилади, бу табиий ҳол. Айрим кишилар эса нуқул мева истеъмол қилишга ўтиб олиб, оқсил моддаларига бой озиқларни (гўшт ва сут маҳсулотларини) ейишни камайтирадилар. Бундай қилиш ярамайди, чунки овқат таркибида оқсил миқдори камайиб кетса, организмнинг турли касалликларга қарши курашиш қобилияти сустлашиб қолади. Бу ҳолат иссиқ кунларда тезроқ рўй беради. Ёзнинг жазирама кунларида кўк чой, турли мева шарбатлари, озода қилиб тайёрланган айрон, меъёрида квас, морс, минерал сув, газлаштирилган сув, қайнатилган ва совутилган — яхна сувлар ичиш тавсия этилади.

Юқорида айтилганларга амал қилинса, ёзнинг жазирама кунларида ҳам иштаҳа яхши, киши бардам ва соғлом бўлади.

Н. БОБОХЎЖАЕВ,
медицина фанлари доктори.

Шу кунларда Таллинда елканли спорт бўйича Олимпиада баҳслари ўтказилмоқда. Бу ерда баҳсларни ташкил қилиш учун лозим бўлган барча шароит муҳайё этилган. Мусобақалар ташкил қилинадиган майдоннинг умумий ҳажми 193 минг квадрат метрни ташкил этади. Бу ноёб спорт иншоотини бунёд этиш учун 51 ой меҳнат қилинди.

СУРАТДА: Олимпиада елкан маркази.

ТАСС фотохроникаси.

Олимпиада-80: кунма-кун

"Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарининг матбуот пункти хабар қилади

Тошкентлик спорт ихлосмандлари соф ғалабани, Олимпиаданинг олтин медалини орзиқиб кутишмоқда. Республикамиздан келган туристлар, спорт мутахассислари, матбуот, радио ва телевидение вакиллари тошкентлик олимпиадачиларнинг беллашувларда иштирок этишларини синчиклаб кузатиб боришяпти. Қийин дамларда уларга ёрдамлашишмоқда. Олимпиадачи ҳамшаҳарларимиз эса ўз навбатида совринли ўринни қўлга киритиш учун бор маҳорат ва имкониятларини ишга солишяпти. Матбуот марказида ҳазиллашиб «доимо иккинчи бўлади» дейишмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундай. Спортчиларимиздан ҳеч бирига Олимпиада шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилиш насиб этмади. Тўғри, Олимпиаданинг ҳар қандай медалини олиш жуда фахрли. Шу жиҳатдан олганда, мерган Рустам Ямбўлатов, велопойгачи А. Панфиловларнинг ютуғини юқори баҳолаш керак. Аммо мутахассислар ва мухлислар янада юқори натижа кутишмоқда.

ЯНА ИККИНЧИ БЎЛИШДИ

Спорт мухлислари ва мутахассислар рапирачи Собир Рўзиевга катта умид боғлашган эди. У шахсий ҳисобда ўтказилган турнирда тўртинчи ўринни эгаллади. Лекин Собирнинг мутахассисларга яхши таниш бўлган ажойиб ҳислати бор. У команда ҳисобида бўладиган беллашувларни ниҳоятда жанговар руҳда ўтказади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Команда ҳисобида бўлган «жанглар»ни ниҳоятда моҳирлик билан ўтказди. Мана бир мисол. Дастлабки уч учрашувни у ғалаба билан якунлади. СССР терма командасининг аъзолари Буюк британиялик ва руминиялик спортчиларни осонлик билан енгишди... Олимпиада беллашувларида франциялик қиличбозлар жуда юксак маҳорат кўрсатишмоқда. СССР ва Франция терма командалари ўртасидаги учрашув французларнинг ғалабаси билан якунланди.

Аёллар командалари ўртасида ўтказилган финал беллашувда ҳам шу ҳодиса такрорланди.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧРАШУВ

Сув полоси бўйича СССР терма командаси навбатдаги учрашувни Голландия терма командаси билан ўтказди. Монреал шаҳрида ўтказилган Олимпиаданинг бронза совриндори бўлган голландиялик спортчилар бу сафар ҳам ғалабани қўлга киритиш учун бор маҳоратларини ишга солишди. Улар дастлабки минутлардан бошлаб дарвозани нишонга олишга аҳамият бера бошлашди. Моҳирлик билан ҳимояланиш ва тез-тез ҳужумга ўтиш туфайли сув полочиларимиз олдинга чиқиб олишди. Шундан кейин меҳмонлар ҳужумга яна зўр бера бошлашди. Қийин дақиқаларда мамлакатимиз терма командасининг дарвозабони Шаропов ажойиб маҳорат кўрсатиб, дарвозани дахлсиз сақлаб қолишга эришди. Учрашувнинг иккинчи бўлимида спортчиларимизнинг устунлиги яққол кўзга ташлана бошлади. Мамлакатимиз терма командасининг аъзолари 7:3 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Ватерполчиларимиз энди олтин медаль учун Югославия терма командасининг спортчилари билан беллашадилар. Бу сафар ҳам ғалабага эришилса, тошкентлик спортчига Олимпиаданинг олтин медали топширилиши мумкин.

БУ САФАР ҲАМ ҒАЛАБА

Крилатскдаги айланма велосипед трассаси ниҳоятда чиройли. Спортчилар, мутахассислар нинг фикри шундай. Бу фикрга беллашувларни кузатиб бораётган томошабинлар ҳам қўшилишмоқда.

Мана, 189 километрга шахсий пойга баҳслари бошланмоқда. Рим шаҳрида бўлган Олимпиада ўйинларида В. Капитонов шу масофага ўтказилган беллашувда ғолиб чиққан эди. Орадан ўтган 20 йил мобайнида спортчиларимиздан ҳеч бирига бу муваффақиятни такрорлаш насиб этмади. Ҳозир Капитонов терма командамизга тренерлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам мухлислар бу сафар ғалабага ишонишар эди.

Старт берилиши билан пойгачилар бирин-кетин йўлга чиқишди. Кўп ўтмасдан уч спортчи олдинга ўтиб олди. Уларнинг орасида С. Сухорученков, Ю. Баринов ва польшалик пойгачи Ч. Ланг бор эди. Лекин пойгада фақат бир киши ғолиб чиқиши керак. Сухорученков тезликни оширди. Унинг муваффақиятини таъминлашга ёнма-ён бораётган Баринов ҳам муносиб ҳисса қўшди. Маррага Сухорученков биринчи бўлиб келди.

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

Енгил атлетика программаси доирасида ўтказилган диск улоқтириш вақтида мамлакатимиз спортчиси В. Расшупкин кўрсатган натижа катта шов-шувга сабаб бўлди. Бу ерда жаҳон рекордчиси В. Шмидт ва бошқа машҳур спортчиларни даъвогар деб ҳисоблашар эди. Лекин Олимпиада ўйинларида биринчи марта қатнашаётган Расшупкин ўзини йўқотмади. У дискни 66 метр 64 сантиметр масофага улоқтириб, фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишга муваффақ бўлди.

Эркаклар ўртасида 200 метр масофага ўтказилган финал беллашуви ниҳоятда қизиқарли бўлди. Маррага 15 метр масофа қолганида англиялик спортчи Уэлл олдинда бораётган эди. Шунда италиялик пойгачи Меннеа тезликни ошириб, уни қувиб ўтишга муваффақ бўлди.

Енгил атлетика баҳсларида илк марта қатнашган мамлакатимиз спортчиси В. Комисова ҳам зафар қучди. У 100 метр масофага тўсиқлар оша ўтказилган беллашувда 13,54 секунд натижа кўрсатиб, Олимпиада рекордини янгилашга муваффақ бўлди.

Рекордлар ҳақида гапирар эканмиз, ёш совет спортчиси М. Бочина ҳақида ҳам тўхталиш керак. У аёллар ўртасида 200 метр масофага ўтказилган саралаш мусобақалари пайтида 22,26 секунд натижа кўрсатиб, жаҳон рекордини янгилади.

Тажрибали спортчилар ҳам ўз мавқеларини сақлаб қолишга ҳаракат қилишмоқда. ГДРлик машҳур пойгачи М. Кох 400 метр масофага ўтказилган беллашувда ғолиб чиқди.

ТО Справкалар бюроси
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

П. ҚЎЗИЕВ: Мен автохўжаликда шофер бўлиб ишлайман. Бир куни сменани тугатганимдан кейин яна бир марта юк ташидим. Бунга маъмуриятдагилар, қўшимча иш ҳақи берилмайди, дейишди. Бу қанақаси?

Жавоб: Меҳнат ҳақидаги қонунга кўра, Сиз ўз хоҳишингиз билан ортиқча рейс қилганингиз учун бу ишдан ташқари вақтда тўланадиган ҳақ таркибига кирмайди. Бундай ҳолларда шофернинг шахсий ташаббуси эмас, маъмуриятнинг буйруғи ҳал қилувчи роль ўйнайди.

* * *

С. ТАЛЪАТОВА: Шаҳримиз кўчаларидан бирида Г. Лопатин номини учратиб қолдим. Айтингчи, у ким бўлган?

Жавоб: Ҳа, шаҳримиз кўчаларидан бири машҳур таржимон Герман Лопатин номи билан юритилади. У Карл Маркс «Капитал»инининг биринчи таржимони, илмий коммунизм асосчисининг яқин дўсти бўлган. Г. А. Лопатин тўгарак машғулотларида актив қатнашган. 1880 йилда у Тошкентга сургун қилинади. Тўгарак эса маҳаллий аҳолини маърифатли қилиш йўлида актив иш олиб боради.

* * *

Л. ИСРОИЛОВ: Мен автобазага кириб ишламоқчиман. Айтингчи, шофер ускунани йўқотса ёки бузиб қўйса унга қандай чора кўрилади? Баъзилар ойлик иш ҳақидан босиб қолинади, дейишади. Шу тўғрими?

Жавоб: Асбоб-ускунани қасддан йўқотган ёки яроқсиз қилиб қўйган шофер беш ҳисса кўп ҳақини тўлаши шарт. Маъмурият конкрет аҳволни таҳлил этганда бу қасддан қилинмагани аниқланса, бир ҳиссадан то беш ҳиссагача ҳақи ундириб олиниши мумкин. Бу асбоб-ускунанинг қандай ҳолда эканига боғлиқ. Бу жарима маъмурият буйруғи билан ҳар ойда 25 процент миқдорида ундириб олинади. Агар шофер маъмуриятнинг буйруғини асоссиз деб топса, судга мурожаат қилиши мумкин.

* * *

К. ЭРКИНОВА, С. РАСУЛЕВА: Меҳнат интизомини бузган киши олдин огоҳлантирилиши, кейин унга виговор берилиши керакми ё маъмурият бу «тартиб»ни бузиб унга истаганча жазо чорасини кўравериши мумкинми?

Жавоб: Баъзилар меҳнат интизомини бузган ходим аввал огоҳлантирилади, кейин яна такрорласа виговор берилади, деб нотўғри ўйлашади. Маъмуриятга шундай ҳуқуқ берилганки, ходим айбининг оғир-енгиллигига қараб ҳатто илгари у мутлақо жазо олмаган бўлса ҳам, қаттиқ жазо чорасини олиши, масалан унга виговор эълон қилиниши мумкин. Аммо виговор бериб, айни пайтда уни паст ҳақ тўланадиган ишга ўтказиш мумкин эмас. Чунки меҳнат интизомини бузган ходимга фақат битта жазо чораси кўрилади, холос.

* * *

Ф. ГУБАЙДУЛЛИН: Ўқув юртларида сиртдан ўқиётган ёшларга ҳам қисқартирилган иш куни ё ҳафтаси белгиланадими?

Жавоб: Умумтаълим мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки бўлимларда ва сиртдан ўқиётган кишилар, агар фанларни ўзлаштираётган бўлсалар, қисқартирилган иш ҳафтаси ва кунларидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Сўраган экансиз...
ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Т. НОРҚУЛОВА, О. ҲАЙДАРОВА: Нима сабабдан баъзи ҳомиладор аёлларнинг иштаҳаси пасайиб кетади. Ҳомиладорлик даврида дори-дармон ичиш мумкин эмасми?

Бу саволга медицина фанлари доктори, профессор **С. Исмоилова** қуйидагича жавоб беради:

—Нормал кечаётган ҳомиладорликда одатда иштаҳа яхши бўлиб, ҳазм безлари эса катта зўриқиш билан ишлайди. Ҳазм системаси органларининг нормал фаолияти ҳомиланинг онадан озиқ моддаларни керагича олишни таъминлайди. Ҳазм системасида турли узилишлар пайдо бўлганда она организми қатор ҳолларда ҳомилани озуқа билан таъминлай олмай қолиши мумкин, бу эса ҳомиланинг ўсишига ва ривожланишига зарар қилади. Ҳазм системаси бир қатор функцияларни бажаради. Бунга секретор (ҳазм шираларининг ажралиши), перистальтика воситасида амалга ошириладиган ҳаракат ёки мотор функция (овқатнинг меъда-ичак йўли бўйлаб сурилиши) киради. Перистальтика — қизилўнгач, меъда ва ичакнинг тўлқинсимон қисқариши бўлиб, массанинг аралашиши ва ҳазм найчасида сўрилишини таъминлайди.

Баъзи ҳомиладор аёлларда эса диспепсик ҳодисалар (таъм билишнинг бир оз бузилиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, жиғилдон қайнаши, кекириш, тўш остида оғриқ бўлиши) пайдо бўлади. Бу ҳолатда овқат қанча сифатли ва тўйимли бўлмасин, унинг ҳазм бўлиши қийинлашади. Бундай вақтда ҳазм органлари ишини текшириш ҳамда парҳез буюриш лозим. Дори-дармонларни эса фақат акушер-гинекологларнинг тавсияси билан ичиш керак.

* * *

З. ЭШБЎТАЕВ: Баъзи бир ўрта ёшдаги кишилар юрак сиқилиши ва қон босимлари ошишидан шикоят қилишади. Бундай белгилар юрак қон-томир касалликлари турига кирадими?

Жавоб: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кардиология кафедрасидан маълум қилишларича, одамларда учрайдиган юқоридаги белгилар ҳам юрак касалликлари турига киради. Бундай ҳолатлар бўлмаслиги учун ҳар бир киши ўзини яшаш жойидаги поликлиника ва амбулатория врачларига кўрсатиб туришлари лозим.

* * *

М. ЖАМОЛОВ: Юрак неврози хасталигига чалинганлар учун қандай даволаш гимнастикалари бор?

Жавоб: Даволаш гимнастикалари билан шуғулланишда, албатта мутахассислар билан маслаҳатлашиш лозим. Бундай мутахассислар физкультура диспансерларида мавжуд бўлиб, беморларга фойдали маслаҳат беришади. Республика физкультура диспансери Бешёғоч колхоз бозори ёнига жойлашган. Замонавий типда қурилган бу шифохонанинг эшиги беморлар учун доимо очиқ!

* * *

А. ИКРОМОВ, Б. МАТЕҚУБОВ: Кўп терлайдиган кишилар қайси соҳадаги шифокорга учрашиб, маслаҳат олишлари мумкин?

Жавоб: Терлашни даволаш ва унинг олдини олиш билан тери касалини даволовчи врачлар шуғулланади. Бундай мутахассислар шаҳар ва район тери касалликлари диспансерида бор. Шаҳар тери касали диспансери Сергели шаҳарчасида жойлашган бўлиб, у ерга 58-автобус ва 15-троллейбусда бориш мумкин.

Жавобларни **Ю. АҲРОРОВ** ва **Т. РАСУЛЕВ** тайёрлашди.

Соғлиққа нима етсин! Аъзои-танамизнинг бирор жойи оғриб қолса, ҳеч нима татимайди. Шундай пайтда шифокорнинг оромбахш қўли жонга оро киради. Зокиржон Неъматиллаевнинг қўли шифобахш, забони ширин, беморларнинг дилини хушнуд қилади. У кўп йиллардан бери Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётида стоматолог бўлиб ишлайди.

СУРАТДА: стоматолог Зокиржон Неъматиллаев беморнинг тишини даволамоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

1-шаҳар касалхона қошида ишлаб турган туғруқхонанинг аёллар консультацияси хизматидан аҳоли миннатдор бўлмоқда. Бу ерда ўз ишини пухта билган, 25 йилдан бери ана шу соҳада ишлаб келаётган М. Сайдалиева каби камсуқум шифокорлар ишлашади.

СУРАТДА: (чапдан) врач-гинеколог М. Собирова ва акушерка М. Раҳимова, консультация бўлими мудири врач-гинеколог Ҳ. Қодировалар ўзаро суҳбатда.

Ҳ. Шодиев фотолари.

МЕДИЦИНА МУОЛАЖАЛАРИ

ГОРЧИЧНИК ҚЎЙГАНДА

Тенг миқдорда (масалан, икки ош қошиқдан) қуруқ хантал ва ун олиб қориштирилади, иссиқ сув билан қуюқ-суюқлиги қаймоқдек бўлгунча суюлтирилади. Йўргакни тўрт қават қилиб буклаб, унга ҳосил бўлган аралашма суртилади ва шу томони билан баданга қўйилади.

Йўргакнинг хантал суртиладиган томони олдин сувга ҳўллаб олинади. Горчичникни кўкрак ва орқага ўн минутча қўйилади.

Олти ойликдан ошган болаларга тайёр горчичникни бевосита кўкраги ва орқасига, анча ёш болаларга эса дока устидан (газета устидан эмас) қўйиш мумкин.

ХАНТАЛ БИЛАН ЎРАШ

Шамоллаганда горчица (хантал) билан болани ўрашда қуйидаги усуллар қўлланади. Икки-уч қошиқ қуруқ хантал олиб, кастрюлькадаги озгина иссиқ сувда суюқ бўтқасимон бўлгунча қориштирилади, кейин кастрюльканинг оғзини ёпиб, иссиқ жойга 20—30 минут қўйиб қўйилади. Хантал эритмаси қиёмдек қуйилиб, таъсирловчи ўткир ҳиди келгач, бир литр қайноқ сув (38—40 даража) қўшиб аралаштирилади ва ҳосил бўлган суюқ эритмага йўргак ботирилади. Уни яхшилаб сиқиб ташлаб, боланинг орқаси ва кўкрагига ўраб қўйилади.

Болани устидан қуруқ йўргак ва адёл билан ўраб қўйилади. Ханталли йўргак таъсирига қараб 10—20 минут туради. Агар у яхши таъсир этса, бола 10 — 15 минутдаёқ чинқиради, териси қизаради ва йўргак олинади. Агар бола йиғламай, тинч турса, уни ана шу йўргакда 20 минут ушлаб туриш мумкин. Ханталли йўргак олингандан кейин баданни илиқ ҳўл сочиқ, кейин қуруқ сочиқ билан артилади (Ёпишиб қолган хантал олиб ташланади), вазелин суртилади, болага иссиқ кўйлак кийгизиб, ўрнига ётқизиб қўйилади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СИФАТ БЕЛГИСИ ҚЎЙИЛГАН АППАРАТ

ВАРШАВА. Радом телефон ишлаб чиқараётган «Лола» телефон аппаратига давлат Сифат белгиси берилди. Бу модель корпусининг айниқса, рақамли дискининг пишиқлиги ва мустаҳкамлиги, рангининг ёқимлилиги ва модали шакли билан алоҳида ажралиб туради.

Социалистик мусобақа пешқадамлари — ПБИП VIII съезди номли 12 бригада корхона маҳсулоти сифатини оширишга энг катта ҳисса қўшмоқда. Бу бригадалар ҳалол меҳнат қилиш, материал ва хом ашёдан тежаб фойдаланиш намунасини кўрсатяпти. Илғор коллективлар партия съезди қарорларини сабот билан амалга ошира бориб, Радомда ишлаб чиқарилаётган «Лола» аппаратига йил охиригача халқаро Сифат белгиси берилишини таъминлашдан иборат янги ташаббус билан чиқдилар.

БОЛИВИЯДАГИ АҲВОЛ

ГАВАНА. Бу ерда олинган хабарларда айтилишича, меҳнаткашларни ва демократик ташкилотларни шафқатсиз репрессия қилаётган Боливиянинг реакцион генераллари халқнинг исёнчиларга қарши олиб бораётган курашини бостиролмайдилар. Мамлакатнинг кон-руда саноати корхоналари жойлашган шарқи-жанубий қисмида шахтёрлар билан хунта қўшинлари ўртасида тўқнашувлар давом этмоқда.

Ишчи дружиналари халқаро аэропортдан пойтахтга олиб борадиган стратегик йўлдаги кўприкни ишғол қилдилар ва танклар ҳамда артиллерия ёрдамида ҳаракат қилаётган армия қисмлари зарбаларини қайтармоқдалар.

Ла-пас ва бошқа шаҳарларнинг ишчи маҳаллаларида баррикадалар қурилди. Бу баррикадалар танк ва броне транспортёрларнинг йўлини тўсиб қўйдилар. Пойтахтда тарқатилаётган варақалар солдатларни ўз ака-укалари ва опа-сингиллари ни ўққа тутмасликка, қурол-яроғни халқни эзувчи золимларга қарши қаратишга даъват этади. Мамлакатда меҳнаткашларнинг ялпи забастовкаси давом этмоқда.

Реакция меҳнаткаш халқнинг ҳаракатига жавобан террорни кучайтиряпти. Чет эл ахборот агентликларининг хабар беришича неча минглаб ишчилар, деҳқонлар, студентлар кун сайин қийноққа солинмоқда.

Боливия католик черковнинг вакиллари ҳарбий маъмурлар ишлатаётган ваҳшиёна методларни фош қилдилар.

Улар тарқатган баёнотда хунта охранкаси руҳонийларни ҳам таъқиб этаётганлиги тўғрисида хабар берилади. Етти руҳоний, шу жумладан икки испан қамоққа олинган.

Реакциянинг Боливиядаги демократик жараёнга путур етказиш, террор ва репрессияларни кучайтириш йўлидаги уринишлари исёнчиларни мамлакатнинг ўзида ва чет элларда яккалаб қўйди.

ХАРИДОРЛАРГА ҚУЛАЙ

БУХАРЕСТ. Шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида Руминияда савдо корхоналари майдони 85 минг квадрат метр кўпайди. Пойтахтда ва бошқа шаҳарларда аҳолига ғоят манзур бўлаётган «Универсам» типидаги янги магазинлар очилди. Болалар учун моллар, рўзғор техникаси, автомобилларнинг запас қисмлари билан савдо қиладиган ихтисослашган магазинлар ишга тушди. Бухарест, Тимишоара, Брашовдаги савдо марказлари реконструкция қилинди. Савдо тармоқларини ривожлантириш программасида мамлакатнинг барча уезд марказлари ва йирик шаҳарларида замонавий, универсал магазинлар қуриш кўзда тутилади.

ЯНА БИР МУЗЕЙ

БУДАПЕШТ. Венгриянинг йирик саноат маркази бўлган Шалготарьянда янги музей очилди. Хилма-хил меҳнат қуроллари, ҳужжатлар, фотосуратлар мамлакатда кончилик ишининг тарихи ва ривожланиши тўғрисида, шахтёрлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Махсус бўлим ВХР кончилик саноати корхоналарининг бугунги кунига бағишланган.

Ҳодиса

ТЕЗЛИКНИ ОШИРИШ ОҚИБАТИ

Шота Руставели кўчаси Тошкентдаги энг яхши кўчалардан бири. Пиёдалар ўтиш қисми хавфсиз чизиқ билан ажратилган, текис асфальт йўлдан бемалол ҳаракат қилиш мумкин.

Лекин, шундай йирик магистралда белгиланган нормадан ортиқ тезликда автомобиль ҳайдовчилар айби билан йўл-транспорт ҳодисаси кўпроқ бўлиб туради. Нефть ва газ институтининг кичик илмий ходими Муҳаммад Ходиев буни билмаслиги мумкин эди. Муҳаммад Ходиев шаҳар ичида тезликни 60 километрдан ошириш мумкин эмаслигини билиши керак эди.

У отасига тегишли ВАЗ—2103 маркали 34—78 ТНН автомобилини ана шу равон кўчада соатига 80 километрга яқин тезликда ҳайдаб келаётган эди. Аксарият ҳолларда бўлганидек, рулни бошқара олмай, бориб дарахтга урилди.

Шота Руставели кўчасида бўлган ҳаяжонли тасодиф ёнига яна бир рақам қўшилди. Тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмидаги касаллар ёнига яна бир касал қўшилди. У сон суяги синган ва бош мияси чайқалган М. Ходиев бўлди.

Л. ОФФЕНГЕНДЕН.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30, 31 июль соат 19.00 да

БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ

раҳбарлигида ва иштирокида

К. ОТАНИЁЗОВ НОМЛИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

1 августдан бошлаб

ЯНГИ ПРОГРАММА

Польша, Венгрия, Чехословакия, Руминия, ГДР, Болгария, Монголия циркининг етакчи артистлари ва Совет цирки артистлари иштирокида

«ИНТЕРЦИРК—80»

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

44-35-91; 44-35-84 телефон номерларн бўйича справкалар олиш мумкин.

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 13.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг

ХАЛҚ МАОРИФИ БОШ БОШҚАРМАСИ

айрим фанларни чуқур ўрганиш мақсадида 1980—81 ўқув йили учун қуйидаги мактабларнинг 9-синфларига

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

математикани чуқур ўрганиладиган 110 (ўқув ўзбек тилида), 2, 94, 103, 166, 173, 211-мактабларнинг синфларига;
физика бўйича: 40, 50, 54, 73, 101, 180, 226;
химия бўйича: 89, 111;
биология бўйича 81;
адабиёт бўйича 169;
тарих бўйича 5, 9.
мактабларнинг синфларига;
шунингдек 8 синфларга ўқувчилар қабул қилинади:
математикани чуқур ўрганиладиган 71, 106, 110 (ўқув рус тилида), 115;
физика бўйича: 110 (ўқув рус тилида), 140-мактаб.

Қабул қилиш тўғрисида арзза директор номига маълумотн тўғрисидаги ҳужжат билан бирга қўшиб топширилади.

ЎЗ ИСТЕЪДОДИНГНИ ТОП

Шу нарса маълумки, ҳар бир катта ёшдаги киши бизнинг мамлакатимизда ҳар куни тўртта нарса харид қилади. Йил мобайнида бизнинг ҳаммамиз биргаликда ана шу мақсад учун 30 миллиард соатдан кўпроқ вақт сарфлаймиз.

Биз магазинга кириб сотувчи билан учрашамиз.

Сотувчи—у савдо эстетикаси, этика, экономика, товаршунослик билимларини эгаллаган кишидир. У харидор психологиясини билади, тез хизмат кўрсатади ва зарур маслаҳатлар бера олади.

Ҳар куни бир сотувчининг камида 150 харидорга хизмат кўрсатиши ва 200 дан кўпроқ консультация бериши ҳисоблаб чиқилган. Савдо кишидан истеъдод талаб қилади.

АГАР СИЗ СОТУВЧИ БЎЛИШГА ҚАРОР ҚИЛГАН ЭКАНСИЗ, САВДО БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Сизни бу ерда нафақат этика ва эстетика, товаршунослик асослари ва харидор психологияси, экономика, совет ва меҳнат ҳуқуқлари асосларидан лекциялар кутмоқда.

Мураббийлар — ишлаб чиқариш таълими усталари, катта сотувчилар раҳбарлигида сиз бевосита мактаб-магазинда уч ойлик практикадан ўтасиз.

Практика келажакдаги ишлар учун зарур тажриба ҳамда меҳнат кўникмаси беради.

МАКТАБ-МАГАЗИНДАГИ ЎҚИШНИ ТАМОМЛАГАЧ, СИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ СОТУВЧИ КАСБИНИ ЭГАЛЛАЙСИЗ.

Мактаб-магазин маъмурияти курсни битирганларнинг ўқишни давом эттириш истакларини қўллаб-қувватлайди. Истовларига Тошкент савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига кириб ўқиш учун имтиёзли шарт-шароит яратиб беради.

МАКТАБ - МАГАЗИНГА 16 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Тошкент шаҳрида доимий пропискада бўлиш шарт.

Машғулотлар узбек ва рус тилларида олиб борилади.

Мактаб-магазинда ўқилган олти ой муддат меҳнат стажига қўшилади.

«ЁШЛИК» мактаб-магазинига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги шаҳодатнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактаб ёки сўнгги иш жойидан характеристика, турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см.) агар бўлса меҳнат дафтарчаси.

БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЁШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, КАССИРЛАР ТАЙЁРЛОВЧИ

БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 12, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 25, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). Справкаларни 33-75-48 номеридан телефон қилиб билиш мумкин.

«ЁШЛИК» мактаб-магазини.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

КИНО

30 ИЮЛДА

«ИЗҚУВАР» — **Санъат саройи** (катта зал, 16.30, 19.00; кичик зал, 17, 19.45, телефон 41-39-51), **Чайка** (12, 15, 18, 21.30, телефон 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (16.30, 19, 21.30, телефон 78-47-25), **Нукус** (16, 18.30, 20.45, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (телефон 35-25-92), **Дружба** (17.30, 20.00, телефон 66-15-75), **Москва** (16, 18.30, 21.00, телефон 33-05-01), **Восток** (17, 20.30, телефон 91-14-61).

«АНФИСАГИНАМ» — **Дружба** (16.30, 19, 21.00, телефон 66-15-75).

«САҲИЛЛАР»—**К. Ерматов номли** (телефон 24-22-66).

«УЧУВЧИ ПИРКСНИНГ КУЗАТИШЛАРИ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

31 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ИЗҚУВАР» —**Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16.00, 19.00; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.45, телефон 41-39-51), **Чайка** (12, 15, 18, 21.30, телефон 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11.30, 14, 16.30, 19, 21.30, телефон 78-47-25), **Нукус** (11, 13, 16, 18.30, 20.45, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (телефон 35-25-92), **Дружба** (12, 14.30, 17.30, 20.00, телефон 66-15-75), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 33-05-01), **Восток** (11, 14, 17, 20.30, телефон 91-14-61).

«АНФИСАГИНАМ» — **Дружба** (11, 13, 15, 17.30, 19, 21.00, телефон 66-15-75).

«САҲИЛЛАР»—**К. Ерматов номли** (телефон 24-22-66).

«УЧУВЧИ ПИРКСНИНГ КУЗАТИШЛАРИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги

ТОШКЕНТ ҲУНАР-ОШПАЗЛИК БИЛИМ ЮРТИ

1980—1981 ўқув йили учун

ОШПАЗ ВА КОНДИТЕРЛАР ТАЙЁРЛАШ ГРУППАСИГА

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 йил.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 22 ёшгача бўлган Ўзбекистоннинг шаҳарларида турувчи қизлар ошпазлик ва кондитерлик группасига қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига кирадн.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Барча ўқувчиларга стипендия берилади, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, 3х4 см. ҳажмидаги 3 та фотосурат, таржимаи ҳоли, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома (асл нусхаси), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси), соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма), турар жойидан справка, мактабдан ёки ишлаган жойидан справка (характеристика), шаҳар савдо бўлимидан ёки ошхоналар трестидан йўлланма, ҳарбий хизматчилар ёки чақирилувчиларнинг учёт гувоҳномаси ёки ҳарбий билети бўлиши керак.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Оқ тепа массиви, 12, 32, 34, 36-автобуслар, 4, 9, 11, 19-трамвайларнинг «Оқтепа» бекати).

Ф. Хўжаев номидаги 1-пойафзал фабрикаси қошидаги

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЯНГИ ЎҚУВ ИЛИГА

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: **пойафзал бошлиғини бичувчи, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, чарм-галантерея маҳсулотларини тикувчилар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор модельер.**

8—10-синфни тамомлаб билим юртига қабул қилинган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ва чарм-галантерея фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт); турар жойидан, саломатлиги ҳақидаги справкалар, 3х4 см. 6 та фотосурат.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (84-автобус, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар 53-99-04, 53-99-91.

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **ёритиш ва ёритич тармоқлари бўйича электр монтажчилар, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электр монтажчилар, электр слесарлар, газ-электр пайвандчилар, иккиламчи коммуникация тармоқлари бўйича электр монтажчилар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик** (фильмларни текшириш ишларини амалга ошира оладиган), **радиотелевизион аппаратлар ремонти ва уларга хизмат қилиш бўйича радиомеханиклар** (фақат 10 синф ҳажмида маълумотлилар).

ЎҚИШ МУДДАТИ— 1—3 ЙИЛ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати уч йил ва улар ўрта маълумот ҳамда касб эгаллаганликлари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-кечак билан таъминланадилар. 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар (механиклар бундан мустасно) ойига 76 сўм стипендия оладилар. Ўқувчилар —электр монтаж группаларининг ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасида бўлган вақтларида топган иш ҳақларининг 50 процентини, қолганлар эса 33 процентини оладилар.

Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган, электр монтажчи касбини эгаллаш учун ўқишга кирган йигитларга ётоқхона берилади, уларнинг ўқиш муддати қисқартирилган (10-синф ҳажмида маълумотлиларга— 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлиларга —10,5 ой).

Машғулотлар—группалар тузилишига қараб бошланади.

Билим юртини тамомлаганлар техникумларга ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзга эга бўладилар. Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар ўқишни давом эттириш учун ўрта ва олий ўқув юртларига юборилади.

Билим юртида яхшигина спорт базаси бор, спортнинг 13 та секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари бор.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Аризалар —9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (33, 34, 45, 70, 54, 18, 58, 66, 3, 2-автобуслар; 14, 24, 7, 11, 9, 28-трамвайлар; 2, 6, 16, 13, 15-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон 53-31-21.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«АРТИСТ»НИНГ ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ»

ЯНГИ, РАНГЛИ, КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ

СЦЕНАРИЙ АВТОРИ — СЕРГЕЙ АЛЕКСАНДРОВ.

ПОСТАНОВКАЧИ-РЕЖИССЁР — АЛЕКСАНДР ФАЙНЦИММЕР.

РОЛЛАРДА: **Николай ШУШАРИН, Сергей ПИЖЕЛЬ, Вадим СПИРИДОНОВ, Юрий ПОТЕМКИН ва бошқалар.**



Заргарлик магазинини ўғирлаш пайтида жиноятчилардан фақат бирини, «Артист»ни ушлашга муваффақ бўлинди. Бошқаси, босмачилар тўдасининг бошлиғи, «Соболь», совуққонлик билан милиционерни ўлдириб, таъқибдан қочиб кетади...

Жиноий қидирув ходимлари олдида машаққатли вазифа кўндаланг бўлади: «Соболь» ҳақида на бармоқ излари, на фотография маълумотлари, на сўз билан ифода этилган портрети бўлмаганлиги учун милиционерлар уни ушлашолмайди.

Колонияда кекса ўғри «Валет» «Артист»га миллион сўм тўғрисида қизиқарли тарихни сўзлайди, бу миллион узоқ Сибирнинг Новинск шаҳрида уларни кутмоқда эди. Ана шу миллионни ўмариш учун бор-йўғи: ишга «Соболни» аралаштириш, Новинск ГЭСи автобазасининг «Шплинт» деб аталувчи шоферини топиш, инкассаторлар гидроқурувчилар учун ойлик келтирадиган кун ва соатни кутиш, бўшлиқдаги карьерда унча катта бўлмаган автомобиль ҳалокатини ташкил этиш керак эди. Бошланиши учун — колониядан қочиш керак. «Артист» қочишга муваффақ бўлади. У «Соболь»ни ва ўз таниши сартарош Катяни қидириб топади. Улар Новинскка учиб келишади ва «Артист»га «Шплинт»ни топпанликлари ҳақида телеграмма йўллашади. «Артист» тайёрлаётган «операция»да ҳаммаси ҳисобга олинган. Фақат бир нарса ўнгидан келмайди: «Шплинт» қўлини синдириб қўяди ва КрАЗнинг рулини бошқара олмайди. Уюштириладиган автомобиль ҳалокатида ана шу оғир машинага бош роль топширилган эди. Нима қилиш керак? Зудлик билан шерик топиш керак. «Новча»ни танлашади. «Новча» яхши етилиб «пишиши» учун «Артист» ўз спектаклига Катяни жалб этади.

«Соболь» учиб келади, бу ерда ишлар юришмаётганлигини дарҳол фаҳмлаб, йўл-йўлакай планини ўзгартиради — шу онда тоғ йўллари бўйлаб КрАЗ елиб боради, «Газик» эса инкассаторлар билан биргаликда бўшлиқдаги карьер ёқасида қотиб қолади.

Ана шу қизиқарли фильм нима билан тугашини сиз уни кўриб билиб оласиз.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй).

Троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсантларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. Сўнгра ҳайдовчилар трамвай-троллейбуслардан бепул фойдаланадилар. Бошқа шаҳарлик курсантлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Депо ишчилари формали кийим-бош билан (50 процент тўланади) таъминланадилар.

БЕЗОВЧИ КАРТОГРАФЛАР КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ

ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўқиш муддати— 10 ой.

8— 10-синф ҳажмида маълумотли тошкентлик қизлар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700170, Тошкент шаҳри, Володарский кўчаси, 6-уй. (13, 22-трамвайлар, 17, 18-троллейбуслар, 69, 71, 17-автобусларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати).

Тошкент шаҳар Киров районидаги 12-ўрта мактаб томонидан **Каримова Машкура** номига берилган 088897 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР, ҚОРХОНАЛАР ВА ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

электрон соатларининг автоном ёритиш таблосини тайёрлаб беришга

ШАРТНОМА ТУЗАДИ

Таблонинг размери 1650х750х250.

Тахминий баҳоси — 1900 сўм.

Шартнома тузиш тўғрисида таклиф қуйидаги адресга жўнатилиши керак. Тошкент шаҳри — 41, Бабушкин кўчаси, 4-уй (4-автобуснинг «Морозов кўчаси» бекати; 17-троллейбуснинг «Кабель заводининг маданият уйи» бекати). Телефон 62-56-27.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

30 ИЮЛЬ. ЧОРШАНБА.

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Дунё воқеалари». 18.15 «Ватан нимадан бошланади!». Фильм-концерт. 18.55 «Вятка жилоялари». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.10 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». Свердловск областидаги «Уралхиммаш» заводининг коллективи ҳақида. 19.25 «Берёзка». Давлат академик хореографик ансамблининг концерти. 20.10 «Хельсинки: беш йил ўтгач». Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашнинг беш йиллигига. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятин иштирок этади. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Г. Потапов олиб боради. 20.55 XXII Олимпиада ўйинлари. Енгил атлетика. Финаллар. 21.45 «Время» 22.15 «Минск». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.30 XXII Олимпиада ўйинлари. Оғир атлетика. Финаллар. Бокс. Чорак финаллар. 24.00 Янгиликлар

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ҳақиқий дўстлар». Болалар учун мультфильм. 18.30 «Ёшлик студияси кўрсатади. «Ким бўлсам экан!». Тошкент маданият институти. 19.00 «Усмир ва қонун». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани» 20.15 «Эшакдар сув устида». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист И. Вўронов раҳбарлигидаги СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлари халқ ансамбли ижро этади. 21.30 «Чорвадор». Кўрсатув 21.45 Москва. «Время». 22.15 «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильмлар. «Шамол ва елканлар». «Хорда фақат болалар». 20.55 Реклама. 21.10 «Рассом устахонасидан». Павел Мартаков (рус.). 21.40 «Дарахтдаги графюра». Телеспектакль.

31 ИЮЛЬ. ПАЙШАНБА.

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.35 «Олимпиада кундалиги». 10.05 «Горичлар, қаердасиз!». 10.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар Катта хори фолклор группасининг чиқиши. 11.00 «Минскда Олимпиада». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.30 Болалар учун. «Денис Кораблёвнинг ғаройиб саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.35 «Олимпиада кундалиги». 12.55 XXII Олимпиада ўйинлари. Енгил атлетика. Дзю-до. Саралаш мусобақалари. От спорти. Катта соврин учун. Команда биринчилиги. Бокс. Ярим финаллар. Танаффус пайтларида (14.00, 16.00)— Янгиликлар.

18. ^ «Дунё воқеалари». 16.15 Давлат Волга рус халқ хорининг чиқиши. 16.35 «Адабий мерос». «Ясная Поляна». 1-фильм. 19.25 «Олимпиада қишлоғида». Репортаж. 20.10 «Музикальная жизнь телевизион журнали. Олимпиада шаҳарларининг маданий программаси ҳақида. 21.30 «Время». 22.00 XXII Олимпиада ўйинлари. Чим устида хоккей. Хотин-қизлар. СССР —Ҳиндистон терма командлари. 2-тайм. Енгил атлетика. Финаллар. Дзю-до. Финаллар. Эркин кураш. Финаллар. Бокс. Ярим финаллар. 24.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

XXII Олимпиада ўйинлари. 22.00 Эркин кураш. Финаллар. Байдарка ва каноэда эшкак эшиш. Саралаш мусобақалари. Танаффус пайтида (23.00) —«Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ер ва одамлар» Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 12.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 13.25 «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Водрик». Болалар учун мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз». 19.00 «Турмуш ва маданият». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Алимахсумов ижросида ўзбек классик қўшиқлари 20.30 «Ахборот». 20.50 «Иқбол таронаси». Онагул Рўзметова ва Илҳом Собиров. 21.30. Москва. «Время». 22.00 «Ғўза парваришини янада кучайтирайлик». 22.15 «Михаил Глузский». Кўрсатув.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун. «Бола қиз билан дўстлашмади». 21.10 «Профессор Вадалян билан учрашувлар». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.). 21.35 «Дадил қадам» Бадиий фильм. 2-серия.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 84-ўрта мактаб томонидан **А. И. Усмонов** номига берилган 547767 номерли йўқолган саккиз йиллик маълумот тўғрисидаги

ГУВОҲНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

4 Тошкент бепул ОҚШОМИ

30 ИЮЛЬ, 1980 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горнома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

Р—03100.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-93; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32 хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2132.